

ДИҚҚАТ:

БУГУНДАН ЭЪТИБОРАН!

Ўзбекистон Республикасида
аҳоли ва қишлоқ хўжалигини
рўйхатга олиш жараёни
бошланди.



Бу – мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ва хўжалик ҳақида аниқ маълумот тўплаш, келгусидаги ижтимоий-иқтисодий режаларни белгилашда муҳим қадам ҳисобланади.

РЎЙХАТГА ОЛИШ 2 БОСҚИЧДА
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

1-босқич (15-31 январь)

17 кун давомида фуқаролар “census.stat.uz” сайти орқали One-ID тизими ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтиш имконига эга бўлади. Бу қулай, тез ва замонавий усул бўлиб, уйдан чиқмасдан рўйхатдан ўтиш имконини беради.

2-босқич (4-28 февраль)

“Маҳалла еттилиги” аъзолари уйма-уй юриб, планшетлар орқали рўйхатга олиш жараёнларини амалга оширади. Бу босқичда ҳар бир хонадонга бориб, шахсий маълумотлар аниқланади.

Рўйхатда фуқаролардан ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан жами 71 та савол бўйича маълумот олинади:

- ✓ аҳолига оид — 54 та савол (ёш, таълим, иш билан бандлик, яшаш шароити ва ҳ.к.);
- ✓ қишлоқ хўжалигига оид — 17 та савол (ер майдони, чорва сони, экин турлари ва ҳ.к.). Маълумотлар махфийлиги кафолатланади. Бир киши бутун оиласи учун рўйхатга олиш саволномасини тўлдирishi мумкин. Шахсга доир маълумотлар қонун билан муҳофаза қилинади. Саволнома натижалари бошқа идораларга тақдим этилмайди ва фақат статистик таҳлил учунгина ишлатилади.

Бу тадбирнинг муҳимлиги шуки, рўйхат натижалари давлатга аҳолининг ҳақиқий сони ва таркиби ҳақида аниқ маълумот беради. Олинган натижа янги иш ўринлари, мактаблар, шифохоналар ва инфратузилмаларни режалаштиришда асос бўлади. Қишлоқ хўжалигидаги ресурсларни тўғри тақсимлаш имконини беради.

ҚАДРЛИ КЎРТДОШЛАР, УШБУ ЖАРАЁНДА
ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Шавкат
МИРЗИЁЕВ:

Ҳар бир ҳарбий
хизматчи халқ билан
армия — бир тану
бир жон эканини,
унинг ортида
38 миллионлик халқ
тоғдек таянч бўлиб
турганини доимо
ҳис этиши, шундан
чексиз куч, руҳ ва
мадад олиши керак.



БАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



I J T I M O I Y - S I Y O S I Y G A Z E T A S I

21asr.uz

XXlasr_yangiliklari

XXIASR

XXI_asr@mail.ru

xxiasrgazetasi

XXlasrgazetasi



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

15-yanvar
2026-yil
2 (1 156)

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИНИ

ҲАР БИР ФУҚАРО ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТИШИ КЕРАК



О‘зLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси
Актам Хайтов бошчилигидаги ишчи
гурух Қашқадарё вилоятида
Президентимизнинг Олий Мажлис
ва Ўзбекистон халқига йўллаган

Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини
партия электорати ҳамда кенг
жамоатчилик орасида тарғиб этишга
бағишланган семинар ва давра
суҳбатларида иштирок этди.

3

2

“ШАҲАР ДАВЛАТ”ГА
АЙЛАНЯПМИЗМИ?!



4

МАҲАЛЛАЛАР ОБОД
БЎЛСИН



5

ЎРГАНИШЛАР БЕИЗ
КЕТМАЙДИ



6

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ
МИНТАҚА УЧУН ҲАМ
МАНФААТЛИ БЎЛА ОЛАДИМИ?



Шавкат
МИРЗИЁЕВ:

БИЗ – БУГУН 38 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД КАТТА ХАЛҚМИЗ. МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ МЕХНАТИМИЗ БИЛАН ДУНЁДА ҲУРМАТ ТОПАЁТГАН, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН ДАДИЛ БОРАЁТГАН, МАТОНАТЛИ ВА ҒУРУРИ БАЛАНД МИЛЛАТМИЗ. БИЗ ЎЗГАРИШЛАРНИ КУТИБ ЯШАМАЙМИЗ, АКСИНЧА, УЛАРНИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИМИЗ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ МЕХНАТИМИЗ БИЛАН ЯРАТАМИЗ.

Ўзига хос ҳаётий дастур

Президентимизнинг Олий Мажлис ҳамда Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси билан танишган инсон “Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон жамият гарови” деган шиорнинг бутун мазмун-моҳиятини теран англаб етади. Бу ҳужжатда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётига дахлдор барча соҳалар бўйича истиқболдаги стратегик йўналишлар атрофлича белгилаб берилди.

Иқтисодий ислохотлар хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, sanoatни модернизация қилиш ҳамда рақобатбардош иқтисодиёт яратишга қаратилди. Ижтимоий соҳада таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини яхшилаш ҳамisha устувор. Қонун ижодкорлиги ҳамда қонунларни амалга ошириш механизмларини кучайтириш масъулияти парламент ва вакиллик органларига юклатилди. Умуман олганда, Мурожаатнома мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи, амалга оширилаётган ислохотларнинг натижа ҳамда келгуси стратегик вазифалари чуқур таҳлил этилган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида жиддий аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ўз

нутқида сўнгги йилларда эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд муаммоларни ҳам очик ва холисона таҳлил қилди. Айниқса, қонун устуворлигини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлигини ошириш, коррупцияга қарши мурасасиз курашиш, иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш масалалари асосий устувор йўналишлар сифатида белгиланди. Бундан ташқари, sanoatни модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада ҳудудларнинг ўзига хос имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш асосий мақсад эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қабул қилинаётган қонунлар ижросини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва улар ижросини таъминлаш механизмларини янада кучайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги сир эмас. Шундай экан, Мурожаатномада давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам бугунги давр янада масъулиятли ва кенг қамровли вазифаларни юклайётганига урғу берди. Бу борада халқ вакиллари ҳамisha фаол бўлишларини ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганига эътибор қаратилди. Шунингдек, миллатлараро тотув-



Виктор ПАК,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

лик, диний бағрикенглик ва фуқаролар ўртасида ижтимоий ҳам-жихатликни мустаҳкамлаш каби масалалар аънаанага кўра давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши яна бир бор қайд этилди. Чунки Ўзбекистон кўп миллатли давлат сифатида барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тенг таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантириш йўлидан изчил бормоқда. Бу эса юртимизда барқарорлик ва тинчликни сақлашнинг муҳим омилдир.



“Шаҳар давлат”га айланишимизми?!

Инсоният пайдо бўлибдики, ўзи учун ҳар томонлама қулай яшаш муҳити яратишни ўйлаган. Тақрибан икки минг беш юз йиллар аввал пайдо бўлган “шаҳар давлат”лар айнан шу орзунинг энг чўққиси эди. Уларда фуқаролар тирикчилиги учун зарур шарт-шароитлар, барча ижтимоий инфратузилмалар яхлит ҳолатда бир ҳудудда, яъни улкан шаҳар ва қалъалар ичида яратилган. Бунинг яна бир муҳим жиҳати шуки, айрим ҳукмдорлар учун тахтда ўтириш шарт “юрт олиш” русум бўлган замонларда хавфсизлик ҳам тўла таъминланарди. Қизиқ томони, ўша замонларда ҳам шаҳар аҳлини қундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш камсонли қишлоқ аҳли чеккага тушар, бунда “бир деҳқон ўн одамни боқади” тамойилига амал қилинарди.

Даврлар ўтиб, аҳоли нуфуси ўса бориши асносида ҳаёт тарзи аста-секинлик билан шаҳарлардан қишлоқларга кўчди. Аслида, бу ҳам тарихий зарурият ҳосиласи. Тинч ва фаровон замонларда халқнинг кўпайиши ортидан уларни боқиб, таъминот масаласи ўртага чиққан. Янгидан-янги ер майдонларини ўзлаштиришга киришиш ҳам шу пайтларга тўғри келади.

Машойихларнинг “тарих так-рорланади”, деган башоратлари бежиз эмас. Бу икки аср илгари катта шаҳарлар пайдо бўлиш жараёнида кузатилди. Агар минг йиллар олдин дунё аҳолисининг атиги ўн фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, ярим аср илгари бу кўрсаткич деярли тенглашди: ер ўзи аҳолисининг жуда катта қисми шаҳарларга кўчиб ўтди. Тасаввур қиялсизми, ярим аср бурун аҳолиси беш миллион нуфусли ҳудудлар мегаполис мақомини олган бўлса, бугун эса бу рақам олти-етти мартага ошиб кетди. Ҳозир ўз бағрига ўттиз миллиондан кўпроқ одамларни сиғдирган шаҳарлар икки рақамли сонларда ифодаланмоқда.

Ижтимоият соҳаси мутахассислари бу ўзгаришларга мос тарзда “урбанизация” атамасини истеъмолга кириштирди. Бу эса кўчиш жараёни тезлашаётганини аниқлатмоқда. Бунга замонавий технологиялар тараққий топаётгани мустаҳкам замин яратиб бermoқда. Бугун дунёнинг айрим ривожланган давлатлари қишлоқ аҳли, яъни деҳқонлар “бир деҳқон йигирма кишини боқади” тамойилида ишлашга ўтишган. Урбанизация ҳодисасига айтиш пайтда аҳоли сонининг кескин ўсиши, экин майдонлари чеклангани ҳам сабаб бўлмоқда, дейишяпти мутахассислар.

Маълумки, ўтган йили кузда Президентимиз фармони билан Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ташкил этилди. Маълумот ўрнида эслатмоқ керакки, ҳудди шундай маъмурий бошқарув тизими Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи марта бизнинг мамлакатимизда очилди. Таъкидланганидек, эндиликда қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳарликлар сонни кескин ўсиб борапти. Бундан олти-етти йилча аввал очикланган расмий маълумотда эса мамлакатда эллик бир фоиз аҳоли қишлоқларда яшаётгани қайд қилинган эди. Ҳўш, бу тафовут нега тез ўзгариб кетди?

Ўтган йил адоғида Президен-

тимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида келтирилган рақамларга назар солсак, беш йил олдин аҳоли ишига 210 минг квартира харид қилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 270 мингга етибди. Агар ҳар бир хонадонда ўртача тўрт-беш киши истиқомат қилишни ҳисобга оладиган бўлсак, биргина ўтган йили шаҳар ва шаҳарча мақомидаги мавзёларда яшовчи аҳоли сони бир миллионга ошгани маълум бўлади.

Мурожаатномада “Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-жой ипотекасига 2026 йилда 23 триллион сўм ресурс ажратамиз”, деб қайд қилинганидан англаш мумкинки, демак, йил сайин урбанизация ҳодисаси янада тезлашаётир.

Яна ушбу ҳужжатга қайтамиз: “Урбанизация ва шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича янги ислохотларни бошлаймиз. Жумладан, шаҳарлар тартибсиз кенгайишининг олдини олиш бўйича аниқ мезонларни белгилаймиз ва шу орқали экин майдонлари асоссиз қисқариб кетишига чек қўйилади. Масалан, аҳолиси 250 минг кишидан зиёд шаҳарлар ҳозиргидек тартибсиз кенгайиб кетаверса, 2050 йилга бориб 27 минг гектар экин майдонлари бой берилмади. Албатта, бунга йўл қўйиш мумкин эмас”. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтган шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича бошланаётган янги ислохотлар замирида ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, экин майдонлари қисқаришига йўл қўймаслик, бунинг учун фақат “осмонга ўсиш”, яъни кўп қаватли турар жойлар барпо қилиш ғояси ётибди.

Биламизки, бу ғоя аллақачон амалиётга айланган. Муқаддам энг кўпи билан беш қаватли турар жойлар қурилган Хоразмда ҳозирда етти, тўққиз ва ҳатто ўн олти қаватли турар жойлар барпо қилиниб, фойдаланишга топширилди. Бир пайтлар бир ярим-икки қаватли мактаб бўлган чекка қишлоқларда ҳам қисқа фурсат ичида беш ёки етти қаватли турар жой бинолари қад кўтараятгани ортида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад, яъни аҳоли эҳтиёжлари учун зарур экин майдонларини сақлаб қолиш ғояси мужассамдир.

Масалан, кўп эмас, ўн йилча илгари бизнинг қишлоқда ўрта мактаб ва маъмурий бино икки қаватли қилиб қурилган ҳолос. Бугун эса ана шу чекка ҳудудда ҳам кўп қаватлилари қад кўтаряпти.

Президент айтдики, “Келгуси йилда “Барқарор шаҳар” платформасини ишга тушириб, “яшаш учун қулайлик индекс”ини юритиш йўлга қўйилади. Бу индекс орқали ҳар бир маҳаллага хос муаммолар аниқла-ниб, уларга мос ечимлар берилмади”.

Айтинг, кимнинг тушига кирганди ҳатто қадим қишлоқлар ҳам шаҳар қиёфасига кириши? Бир томонда миллий услубда қурилган ҳовлилар, юз қадам нарида эса етти қаватли турар жойлар мажмуаси. Шаҳар ва қишлоқ шу ўринда бир-бирига яқин келган ва уйғунлашган. Ўша етти қаватли хашаматли уйларда яшаётганлар энди ўзларини шаҳарликлардан кам қўришмайдилар. Биргина метрони айтмасда, бошқа тарафлари шаҳармонанд кўриниш ва қиёфани ўзида акс эттириб турибди.

Оддий мисол, сўнгги уч йилда вилоят маркази Урганчга туташ ҳудудда Ал-Хоразмий шаҳарчаси қад ростлади. Бу ерда ўн ва ундан юқори қаватли турар жой бинолари ёнида мактаблар, боғчалар ва ҳатто университет фаолият юритапти. Бу каби ўзгаришларни бугун деярли барча вилоятлар ва ҳатто туманлар марказларига ёндош ҳудудларда барпо қилинаётган митти шаҳарчалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ёки пойтахтимизнинг эгизагига айланадиган Янги Тошкент келгусида уч миллион киши яшайдиган замонавий шаҳарга айланиши ҳақидаги режалар ҳам афсона эмас, ҳақиқатга айланишига оз фурсат қолди! Ана шундай кунларни кўрмоқ барчамизга насиб этсин илоҳим!

Ён қўшимиз ўз йил аввал туман марказида қурилган етти қаватли “дом”дан квартира сотиб олиб, кўчиб кетганди. Кеча қишлоқдаги тўйга келганида кўни-қўшиллар саломлашаётди: “Қалай, шаҳарларингиз тинчми?” деб ярим ҳазил, ярим чин маънода кутиб олишди...

Энди айтинг, бугунги кунда мамлакат аҳолисининг неча фоизи шаҳарларда яшаяпти? Бу саволга Президент фармонида биоан 15 январдан 28 февралгача ўтказиладиган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёнларида аниқ-тиниқ ойдинлик киритилади.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

Инсон қадри мужассам

Президентимизнинг Олий Мажлис ва кўп миллатли халқимизга тақдим этган наватдаги Мурожаатномаси, айтиш мумкинки, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берувчи, халқ билан очик ва самимий мулоқотта асосланган, аниқ мақсад ва механизмларга эга дастурий ҳужжатдир.

Шунингдек, унда ўтган тўққиз йил ичида босиб ўтилган тараққиёт йўли, эришилган ютуқларга холис баҳо ва, энг муҳими, келажак учун қатъий ишонч руҳи устуворлик қилади. Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг 145 миллиард доллардан ошиб, экспорт, инвестиция ва олтин-валюта захиралари бўйича тарихий марраларга эришилгани ислохотларнинг қозғода эмас, амалда натижа бераётганининг яққол исботидир. Бу рақамлар ортида ҳар бир маҳаллада, ҳар бир оиллада сезилаётган фаровонлик, янги иш ўринлари, яхшилланган инфратузилма, бир сўз билан айтганда, инсон кадр-қиммати турибди.

Шу маънода, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиш ташаббуси Мурожаатноманинг бутун моҳиятини ўзида мужассам этган қарор бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки маҳалла давлат ва жамият ўртасидаги энг ишончли кўприк, ислохотларнинг энг қуёи, таъсирчан нуқтасидир. Маҳалла обод бўлса – инсон ҳаёти обод бўлади, жамият барқарор бўлади. Ёки Мурожаатномада белгилаб берилган бешинчи устувор йўналиш – экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи ҳам маҳалла ҳаёти билан чамбарчас боғланади. Чунки экология бу глобал широр эмас, балки инсон тақдир, ҳар бир ҳудуднинг ҳавоси, ҳар бир оиланинг фаровонлиги, ҳар бир боланинг саломатлиги демокдир. Эндиликда йирик корхоналар-

да тозалаш ускуналарини ўрнатиш учун 100 миллион долларлик кредит линияси очилиши, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддаларни қатъий мониторинг қилиниши sanoat тараққиётини инсон сало-матлиги билан уйғунлаштиришга қаратилган ифодаси бўлди. Бу, табиатдан воз кечиш эмас, балки барқарор тараққиёт фалсафаси, дейиш мумкин.

Филтрсиз кўмирда ишлайдиган иссиқхоналардан воз кечиш, уларни марказлашган иситиш тизимига ўтказиш, агрокластерлар ташкил этиш орқали субсидиялар бериш экологик муаммони маъмурий йўл билан эмас, иқтисодий рағбат орқали ҳал этишни англатади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркор манфаати билан жамият манфаатининг уйғунлигини таъминлайди.

Чанг-тўзонларга қарши курашиш мақсадида Сирдарёда “яшил девор” ташаббуси фақат экологик лойиҳагина бўлиб қолмасдан, балки миллий масъулият ва инсоний бурчларни бажаришга бўлган ўзига хос даъватдир. Ҳар бир ҳудудда ботаника ва дендрология боғлари, соя-салқин сайр кўчаларининг барпо этилиши маҳаллалар сифатига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи эса бутун минтақа учун ҳаётий аҳамиятга эга. Миллиардлаб сўм маблағлар ажратилиб, сув тежов-



Шоира ШАМАТОВА,
Халқ депутатлари
Сайхунобод туман кенгаши
депутати

чи технологиялар жорий этиш, каналларни бетонлаш, ёпиқ дренаж тизимларини барпо этиш бугунги кунни эмас, балки эртанги буғундларимиз манфаатини кўзлаб қабул қилинган қарорлардир. Бу каби катта ишлар ҳам, энг аввало, маҳаллада, томорқада, деҳқон хўжаликларида ўз самарасини беради.

Умуман олганда, Мурожаатнома фақат яқин йиллар учун белгилаб берилган режалардан ташқари Ўзбекистоннинг келгусидаги барқарор тараққиёт учун ижобий роль ўйнаши лозим бўлган аниқ ишлар, қадамлар дастури сифатида тақдим этилгани аҳамиятга молик.

Биз каби халқимиз томонидан сайланган депутатлар, қолаверса, фуқаролик жамиятининг барча вакиллари ва кенг жамоатчилик билан биргаликда ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун бор куч ва иродимизни сафарбар этмоғимиз лозим.



ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИНИ ҲАР БИР ФУҚАРО ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТИШИ КЕРАК

**O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ РАИСИ
АКТАМ ХАИТОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ИШЧИ ГУРУҲ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА
ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА
ЙўЛЛАГАН МУРОЖААТНОМАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ
ҲАМДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ОРАСИДА ТАРҒИБ ЭТИШГА БАҒИШЛАНГАН
СЕМИНАР ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ.**

Дастлаб Касби туманида бўлиб ўтган тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Мурожаатномаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги стратегик дастур бўлиб, барча даражадаги партия тузилмалари фаолияти учун муҳим дастуриямал сифатида хизмат қилади. Бу муҳим ҳужжатда белгиланган устувор йўналишлар – маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, ички бозорда талабни рағбатлантириш, касбларни ривожлантириш ҳамда меҳнат бозорининг янги архитектурасини шакллантириш каби вазифалар O'zLiDePнинг Сайловолди дастурида белгиланган мақсадлар билан уйғун ва ҳам-оҳанг экани алоҳида қайд этилди.

ПАХТА ВА ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШДА ХОРИЖЛИКЛАР БИЗДАН УСТУНМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хайтов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари воҳодаги фермер хўжаликларида ғалла майсалари парвариши, баҳорги экиш ишларига ҳозирлик, саноат корхоналарини модернизациялаш орқали замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасидаги ишлар билан ҳам танишди. Президентимиз Мурожаатномасида эътироф этилган қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш учун биоинженериядан кенг фойдаланиш, илғор агротехника ва сув тежайдиган усулларни фаол қўллаш афзалликлари айtilди. Иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун “яшил” энергетика, чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш, янги технологияларни самарали қўллайдиган юқори малакали касб эгалари тайёрлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий саноатни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг барча соҳаларида юқори самарадорликка эришиш ислохотларнинг бош мезони экани таъкидланди.

Миришкорлик фермерлар билан мулоқотда Президентимизнинг 2025 йил 9 декабрдаги “Пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив технологияларни қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига замонавий интенсив технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан ютуқлари ва устоз-шогирд анъаналарига асосланган янги тизимга таяниб ҳосилдорликни кўпайтиришга аҳамият берилди. Пахта етиштирувчи фермерларга субсидия ажратиш, томизгичли шлангларни харид қилиш харажатлари имтиёзли кредитлар ҳисобидан амалга оширилиши, фермер хўжаликлари учун малакали қишлоқ хўжалик ходимлари тайёрлашга эътибор қаратиш, фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш борасидаги устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди.

“MIRISHKOR RATEX TEKSTIL” КОРХОНАСИДА

Ишчи гуруҳ аъзолари Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналари фаолиятини ўрганиш чоғида пахта тозалаш саноатини ривожлантириш, маҳсулот, айниқса, тола сифатини яхшилаш, экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги навбатдаги вазифалар ижроси, эришилган ютуқлар ва тадбиркорларни қўйиб қўйиб муаммолар ўрганилиб, мақбул ечимлар ўртага ташланди.

2021 йилда ташкил этилган Миришкор тумани Элобод қишлоғида жойлашган “Mirishkor ratex tekstil” масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда 250 нафар маҳаллий ёшларнинг бандлиги таъминланган. Корхона ип калава ва аралаш мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган, йиллик қуввати 5,5 минг тонна, йиллик экспорт ҳажми эса 9,5 миллион долларни ташкил этади. Элободлик ёшлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат ички бозорга, балки хорижга, жумладан, Россия, Хитой, Туркия ва Қозғоғистонга экспорт қилинаётгани, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қиймат яратилаётгани алоҳида эътироф этилди.

– Янги Ўзбекистонимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан пировард мақсад иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида ёшларни иш билан таъминлашдир, – деди

Актам Хайтов. – Партиямиз томонидан мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида замонавий саноат корхоналарини ташкил этиш, пахта хомашёсини қайта ишлаш орқали экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакат иқтисодини юксалтириш борасидаги ишлар қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Бугун олдимизда турган устувор вазифа мамлакат тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳудудларда саноатни иқтисодий ўсиш драйверига айлантиришдан иборат.

Учрашувда ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ҳудудий иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш ва хусусий сектор фаоллигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этиши, Миришкор туманидаги ушбу корхона фаолияти партиянинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, саноатни ривожлантириш ва бозор иқтисодиёти механизмларини чуқурлаштиришга қаратилган сиёсий йўналишлари жойларда изчил амалга оширилаётганининг яққол намунаси экани эътироф этилди.

Янги лойиҳага СТАРТ БЕРИЛДИ

Ишчи гуруҳ Миришкор туманидаги 1-умий ўрта таълим мактаби ҳузуридаги касб-хунар маркази фаолияти билан яқиндан танишди. Учрашув давомида Мурожаатномада



белгилаб берилган вазифалар, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни замонавий касб-хунарларга йўналтириш масалаларини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2026 йил – Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилиниши O'zLiDeP олдиға ҳам янги, салмоқли вазифаларни қўймоқда. Партия ўз дастурий

мақсадларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллада тадбиркорлик муҳитини янада кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган янги ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Хусусан, партия томонидан сўнгги 10 йил давомида республика миқёсида изчил ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг мантикий давоми сифатида бу йил ҳар бир маҳаллада **“Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси** ташкил этилиши эълон қилинди. Ушбу лойиҳа доирасида ишсиз хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик салоҳиятига эга аёлларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзли молиявий механизмларга йўналтириш ҳамда доимий иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Мазкур ташаббуслар нафақат хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, балки оилаларни камбағалликдан чиқариш, уларнинг даромад манбаларини кенгайтириш, маҳаллаларда ижтимоий барқарорлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Илғор ТАЖРИБА ҚАНДАЙ ОММАЛАШТИРИЛАДИ?

Янги Миришкор маҳалласида жойлашган “Элегант Жасмин Зиё Нур” нодавлат таълим муассасасини тадбиркор аёл Гулшода Асқарова олти йил аввал ташкил этган. Ўтган давр мобайнида “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарига киритилган икки минг хотин-қизга касб-хунар ўргатилган. Уларнинг аксарияти ўзини ўзи банд қилган бўлса, юз нафарга яқини тадбиркорлигини йўлга қўйган.

Муассаса ҳузурида мактабгача таълим муассасаси, гўзаллик салони, тикув цехи, ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, 19 нафар аёл фаолият олиб борапти. Бу йил марказ фаолияти кенгайтирилиб, IT дастурлаш, хорижий тиллар, шунингдек, сантехника ва электр устаси



КРЕАТИВ ФАОЛ, ЁШ ТАДБИРКОРЛАР КЕРАК

Қашқадарё вилояти Яккабўғ туманидаги Янги Ўзбекистон массивида жойлашган “Есо city” бозор майдонида воҳа ёшлари билан учрашув ташкил этилди. Партия етакчиси Президент Мурожаатномасида инвестициялар самарадорлигини ошириш, саноат тармоқларини технологик трансформациялашда мутлақо янги ёндашувлар талаб этилиши, бу йилдан “Рақамли стартаплар” дастури кенгайтирилиб, стартап ғоясидан то экспортгача кўмаклашадиган янги тизим йўлга қўйилиши юзасидан устувор вазифалар белгилаб берилганини алоҳида таъкидлади.

– Иқтисодиётнинг устувор йўналишлари учун юқори интеллектуал салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтиришимиз замон талабидир, – деди Актам Хайтов. – Мамлакат илм-фани ва амалиётида юзага келаётган инновацияларнинг аҳо-

га қўйиш, амалий кўмак ва маслаҳатлар бериш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши айтилди. Ушбу ташаббус Президентимиз томонидан белгиланган ёшлар бандлиги, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда маҳаллаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилиб, келгусида вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг татбиқ этилиши, иқтисодий тараққиёт стратегиясининг асосий йўналиши бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга ОЛИШ

Президентимизнинг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги фармониға биноан 2026 йил 15 январь – 28 февраль кунлари мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён ўтказилади.

Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти, ҳодимларнинг census.stat.uz портали орқали OnelD тизими ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтиш тартиби, рўйхатга олиш жараёнининг босқичлари, саволнома таркиби ҳамда шахсий маълумотлар махфийлиги қонун ҳужжатлари билан кафолатлангани юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Анжуманда Актам Хайтов сўзга чиқиб, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишдан асосий мақсад – келгусида ҳудудларни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтириш эканлиги, мазкур жараёни янгиланган метод ва тартиблар асосида ўтказилиши, рўйхатга олиш босқичларида тўпланадиган барча маълумотларнинг иқтисодиётни барқарорлаштириш, тадбиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш орқали бандликни ошириш ҳамда ижтимоий эҳтёжларни аниқлашдаги аҳамияти ҳақида батафсил сўзлади.

Маҳалла ОБОД – ТУРМУШ ФАРОВОН

Ишчи гуруҳ аъзолари Шаҳрисабз шаҳридаги Намозғоҳ ва Хабарлик маҳаллаларида ҳам бўлиб, “маҳалла еттилиги” томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Аҳоли билан мулоқот чоғида Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида эътироф этилган маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш борасидаги устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди. Ўрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланиши, айнан маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб одамлар ислохотларимизга баҳо бериши, шу боис бу тизимни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Учрашувлар чоғида маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш, қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш учун бор имкониятлар ишга солиниши кераклиги, асосий мақсад маҳаллани, аввало, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, адолат ва тарбия масканига айлантиришдан иборатлиги айтилди. Шу боис маҳаллани ривожлантириш бўйича амалиётга татбиқ этиладиган комплекс ёндашувда нафақат депутатларимиз, балки маҳалла фаоллари ташкилотчилик, ташаббускорлик кўрсатиши зарур. Маҳалла аҳолисининг бандлиги ва фаровонлиги таъминлансагина, ислохотлар натижадорлигини ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида ҳис этади.

**Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири**

Суратларни Зойиржон НОРБЎТАЕВ олган.



КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Ўзбекистонда амалга оширилган тизимли ислохотлар мамлакат иқтисодийтини барқарор ўсиш траекториясига олиб чиқди.

Президентимиз ташаббуси билан “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини янгилаш, уни реал шароит ва узоқ муддатли мақсадларга мослаштириш долзарб вазифага айланди. Албатта, янгиланаётган стратегия миқдорий эмас, балки сифат жиҳатдан янгича қарашни назарда тутмоқда. Хужжатнинг иқтисодий йўналиши доирасида иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, юқори қўшилган қиймат яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва аҳоли даромадларининг барқарор ўсиши устувор вазифа сифатида белгиланмоқда. Асосий мақсад – 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини камида икки баравар ошириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни 5 800 долларга чиқариш ҳамда Ўзбекистонни даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киритишдан иборат.

Авалло, макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш стратегик вазифа сифатида белгиланган. Қайд этилган йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 млрд долларга етказиш, инфляция даражасини 5-6 фоиз атрофида барқарорлаштириш, консолидациялашган бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 3 фоиздан оширмаслик ҳамда давлат қарзини 50 фоиздан юқори бўлмаган даражада ушлаб туриш режалаштирилган. Бу чоралар иқтисодиётнинг ташқи шокларга чидамлилигини ошириб, ижтимоий дастурлар ва инфратузилма лойиҳаларини узлуксиз молиялаштиришга хизмат қилади.

Иккинчи муҳим йўналиш – солиқ-бюджет ва молиявий бошқарув тизимини ислох қилишга қаратилган. Солиқ тушумларининг ЯИМдаги улушини 19,2 фоизгача ошириш, солиқ қарздорлигини ундириш даражасини 97 фоизга етказиш ва божхона тушумларининг ЯИМдаги улушини 6,5 фоизгача кўтариш кўзда тутилган. Шу билан бирга, 52 та вазирлик ва идорани тўлиқ дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтказиш орқали давлат харажатларининг самарадорлиги

оширилади, ҳар бир бюджет сўмининг аниқ натижа бериши таъминланади.

Янгиланиши кутилаётган ушбу ҳужжатда бошқа соҳалар қатори “яшил иқтисодиёт”га ўтишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муддатга қадар қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қувватини 25 минг МВтга етказиш, уларнинг электр энергияси генерациясидаги улушини 54 фоизга чиқариш ҳамда иссиқхона газлари интенсивлигини 2010 йил даражасига нисбатан 35 фоизга қисқартириш белгиланган. Бу экологик барқарорлик билан бирга, энергия хавфсизлиги ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Табиийки, ислохотлар самарадорлигини таъминлашда мазкур фармон лойиҳасида назарда тутилган “мақсад – ҳаракат – натижа” тамойили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Барча кўрсаткичлар рақамли платформа орқали доимий мониторинг қилиниб, улар “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратилади. Бу давлат бошқарувида шахсий жавобгарлиқни кучайтиради ва ислохотларнинг амалий натижа беришини таъминлайди.

Демак, келажакда янада пухта ишлашни кутилаётган ушбу стратегик ҳужжат ҳар бир фуқаронинг ҳаёт сифати, барқарор иш ўринлари, даромадлари ўсиши ва фаровонлигини кафолатлайдиган ўзига хос комплекс дастур бўлади.



Жамшид ШАРИПОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази бўлим бошиғи

14-ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Хавфсизлик ва барқарорлик таъминланади

O‘zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан “Темурбеклар мактаби” харбий-академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 34 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган “Қучли армия – хавфсизлик ва барқарорлик, халқимизнинг фаровон ҳаёти кафолатидир” шиори остида маънавий-матриий тадбир ўтказилди.



таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов хавфсизлик, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, мамлакатимиз суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, юртимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини юксалтириш Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун ҳамиша устувор мақсад бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолишини таъкидлади. “Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик керак” деган тамойил

партиянинг хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолияти асосини ташкил этиб, минтақа ва дунёда юзага келган мураккаб шароитни ҳисобга олган ҳолда миллий армиямизни янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар қўлаб-қувватланади.

Маърифий тадбир юқори савияда ташкил этилгани билан иштирокчиларга байрамона руҳ бағишлади.

O‘zLiDeP матбуот хизмати

Мардларга ҳамиша таъзимдамиз

O‘zLiDeP Сирдарё вилоят ҳамда Сайхунобод туман кенгашлари томонидан ушбу байрамга бағишланган тадбир ўтказилди.

Сайхунобод тумани мудофаа ишлари, маданият, маънавият бўлимлари, иктисослашган мактаб, ахборот-кутубхона маркази ҳамда Сирдарё туманида жойлашган харбий қисм билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашувда халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти учун масъулиятни зиммасига олган мард, жасур ўғлонларимизнинг

бекиёс хизмати эътироф этилди. Шунингдек, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда харбийларимиз тажрибаси асқотиши таъкидланди.

Харбий хизматчилар, нурунийлар, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган кечада Ватан ҳимоячиларининг жасорати, мардлиги ва фидойилиги қайта-қайта эътироф этилди. Ватанпарварлик руҳидаги шевр ва қўшиқлар тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЖАРАЁН

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯГОНА ТАНЛОВИ

Дунё тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, давлатларнинг иқтисодий қудрати табиий бойликлари ёки қулай географик жойлашуви билан эмас, балки илм-фан, инновациялар ва интеллектуал салоҳият билан белгиланмоқда. Замонавий шароитда рақобатбардош бўлиш учун билимли, мустақил фикрли ва инновацион ёндашувга эга кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистонда олий таълим тизимини илм-фан ва инновациялар асосида янги босқичга олиб чиқиш давр талабига айланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги Мурожаатномаси ана шу ҳақиқатни илгари сурган муҳим сиёсий ҳужжат бўлди. Унда олий таълим, фан ва инновациялар масалалари мамлакат тараққиётининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди. Бу ғоялар Янги Ўзбекистонни барпо этишда илмий салоҳият ва замонавий таълимнинг ҳал қилувчи ўринга эгаллигини яна бир бор тасдиқлади.

Таъкидланганидек: “Илм-фан ва инновациялар бўлмаса, ҳеч қайси соҳада барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди”. Бу фикр олий таълим тизими олдида янги-янги вазифаларни қўймоқда. Эндилқда университетлар фақат билим бериш билан чекланиб қолмасдан, илмий изланишлар, инновацион ишланмалар ва замонавий технологиялар яратиладиган марказларга айланиши зарур.

Олий таълимнинг асосий вазифалари – фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида мустаҳкам интеграцияни таъминлашдир. Илмий тадқиқотлар реал сектор эҳтиёжларига мос келган тақдирдагина уларнинг жамият учун амалий аҳамияти ортади. Шу маънода соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш, уларнинг натижаларини

иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш айни муддао. Бугунги инновацион иқтисодиёт шароитида билимнинг ўзи етарли эмас. Талабалар ва ёш мутахассислар замонавий технологияларни пухта эгаллаган, муаммоларга ижодий ёндаша оладиган, ташаббускор шахслар бўлиши лозим. Шу сабабли олий таълим муассасаларида стартап лойиҳалар, илмий лабораториялар, технопарклар ва инновацион марказлар фаолиятини кенгайтириш долзарб вазифага айланди. Бу жараён талаба ёшларнинг илмий салоҳиятини рўёбга чиқариш билан бирга, уларни меҳнат бозорига тайёр ҳолда етиштиришга хизмат қилади.

Мурожаатномада ёш олимларни қўлаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди: “Илмга интилаётган ёшларимиз учун барча шароитларни яратиб бериш – давлатимизнинг устувор вазифасидир”. Грантлар, стипендиялар ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларининг кенгайтирилиши уларнинг илмга бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Ёш олимларнинг ғоя ва ташаббуслари мамлакат илмий салоҳиятининг келажакдаги асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Тизимда рақамли трансформация жараёнлари ҳам жадаллик билан кечмоқда. Рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва замонавий ахборот тизимларини таълим жараёнига жорий этиш билим олиш шакллари тубдан ўзгартирмоқда. Масофавий таълим, онлайн платформалар ва электрон ресурслар таълимнинг қамрови ва сифатини оширишда муҳим воситага айланмоқда.

Маълумки, ҳудудий олий таълим муассасалари ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида олий таълим, фан ва инновацияларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳудуднинг илмий ва интеллектуал салоҳиятини оширмоқда. Маҳаллий университетларда инновацион муҳитни шакллантириш, илмий тадқиқотларни қўлаб-қувватлаш ва ёш кадрларни рағбатлантириш орқали ҳудудий ривожланишга мус-



Аманжол АЯПОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси Олий таълим,
фан ва инновациялар вазири

таҳкам замин яратилмоқда. Илмий салоҳият, тажрибали ва замонавий ёндашувга эга устозларсиз сифатли таълимни тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис уларнинг илмий ва ижодий фаолиятини қўлаб-қувватлаш, нуфузини ошириш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш таълим сифатини юксалтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Дарҳақиқат, илм-фан ва инновациялар асосида ривожланган олий таълим тизими Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Мурожаатномада белгиланган вазифаларнинг изчил ва самарали амалга оширилиши натижасида замонавий билимга эга, инновацион фикрлайдиган, рақобатбардош ва ватанпарвар кадрлар етишиб чиқади. Бундай кадрлар келажакда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши ва халқимиз фаровонлигини таъминлайди.

Маҳаллалар обод бўлсин

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Жиззах вилоятида партиядошларимиз томонидан кенг қўламли тарғибот-ташвиқот тадбирлари билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг ижросини таъминлаш борасида ҳам амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.



Хусусан, маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш, саноат ҳамда инфратузилмани модернизация қилиш, коммунал хизматлар сифатини ошириш, шунингдек, маҳаллаларни комплекс ривожлантиришга қаратилган вазифалар юзасидан депутатлик назорати ўрнатилмоқда. Бу борада халқ ноиблари томонидан жойларда тизимли ўрганишлар ўтказиш, аҳоли билан очик ва самимий мулоқотлар олиб бориш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечими бўйича аниқ ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ишлари изчил йўлга қўйилган.

Ана шундай тадбирлардан бири O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ҳамда партиянинг Шароф Рашидов туман бўлими ташаббуси билан Қўлписар маҳалласида ташкил этилди. Унда маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида фаоллар, ижтимоий соҳа вакиллари билан мулоқотлар ўтказилди. Мурожаатномада илгари сурилган муҳим таклиф ва ташаббуслар, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги Президент фармонининг мазмун-моҳияти атрофида тушунирилди. Шу билан бирга, маҳаллани янада ривожлантиришда мавжуд ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, аҳоли бандли-

гини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга доир таклиф ва мулоҳазалар тингланди.

Учрашув якунида билдирилган таклифлар асосида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича масъулларга тегишли вазифалар юклатилди. Бундай очик мулоқотлар аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш, халқ билан янада яқин бўлиш ҳамда ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

ИБРАТ

Ишончни оқлаш — шараф

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати Раъно Исмамова бўш вақт топиши биланок ҳудуддаги маҳаллаларни айланади, унга ишончи овоз берган сайловчилар дардига қулоқ тутаяди.

Масалан, яқинда Шейхон маҳалла аҳли билан ўтказилган очик мулоқот чоғида бир қатор ички йўллар таъмирталаб экани, бу эса пийдалар ҳамда транспорт воситаларининг эркин ҳаракати-га жиддий қийинчиликлар туғди-раётгани хусусида ҳақли эътироз ва таклифлар билдирилди.

Халқ вакилиси бу ишга дахлдор бўлган бир қатор ташкилот ва идоралар мутасаддиларига депутатлик сўровлари юбориб, уларнинг ижросини қатъий назоратга олди. Албатта, аҳоли ва халқ ноибининг ҳақли мурожаатлари ҳа-вога учиб кетмади. Бухоро шаҳар ҳокимининг тегишли қарорига мувофиқ, шаҳар Ободонлашти-риш бошқармаси масъуллари кў-мағида Дулама кўчасида узунли-ги 2 километр бўлган йўл тўлиқ

асфальтлаштирилди. Шунингдек, Шейхон кўчасининг 1 километри-га шағал тўктирилиб, йўл ҳолати сезиларли даражада яхшиланди.

Бу O‘zLiDePдан сайланган Раъно Исмамова фаолиятидан бир парча холос. Бундай сўров ва мурожаатларга у деярли ҳар куни дуч келади. Лекин ҳеч қачон оғринмайди, аксинча, чин дилдан ишончни оқлашга ҳара-кат қилади. Жумладан, ўтган давр мобайнида ана шундай са-марали депутатлик сўровлари натижасида сайлов округидаги Шейхон маҳалласи Дўлама кў-часида “Бухоро сув таъмини-ти” МЧЖ томонидан узунлиги 300 метр бўлган ичимлик суви қувири ётқизилди. Ушбу мақсад мағида Дулама кўчасида узунли-ги 2 километр бўлган йўл тўлиқ




нинг тоза ичимлик сувига бўл-ган эҳтиёжи тўлиқ қондирилди. Мазкур кўчада эскириб, хавф туғдираётган симёғочлар янги-ларига алмаштирилди.

Мухтасар айтганда, жонку-яр ва ташаббускор бу депутат аёл ўз юртдошлари олдида ҳамиша

ўзини қарздор, бурчдор сифати-да ҳис қилади. Бундай масъулият ҳар кимга ҳам насиб этавермай-ди-да.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири



Ўрганишлар беиз кетмайди

ИШОНИНГ, ЙИЛНИНГ ЎН ИККИ ОЙИДА О‘ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ ВА УНИНГ ХўДУДИЙ БўЛИМЛАРИДА ИШ ТўХТАМАЙДИ. ЎНЛАБ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР, ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ.

АЙНИҚСА, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О‘ZLiDeP ФРАКЦИЯСИ РАХБАРИ АКТАМ ХАЙТОВ РАХБАРЛИГИДАГИ ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИДАН ИБОРАТ ИШЧИ ГУРУҲИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХўДУДЛАРИДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ВА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ ўТКАЗИШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

БИЗ БУТУН ўТган йИЛНИНГ сўНГГИ ЧОРАГИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ўТКАЗИЛГАН АНА ШУНДАЙ УЧРАШУВ ВА ўРГАНИШЛАР ТАФСИЛОТИНИ ЭЪТИВОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛЯПМИЗ.

Пойтахтимизнинг қатор ҳудудларида жойлашган ўнлаб тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва экспорт фаолияти билан шуғулланаётган электротехник вакиллари, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналар, иқтисодий ва саноат зоналари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятида учраётган айрим муаммолар таҳлил қилинди.

Масалан, хунармандлар марказида, жумладан, “Gold Moon Tashkent” МЧЖ (ФОНОН заргарлик заводи), “Ўзбекзаргарсаноати” ассоциацияси, “Aris Asia” МЧЖ, “Marakanda Jewel” МЧЖ, “Xofiz Zargar” ХК, “Baygold” МЧЖ ХК, “Tashuyvelirtorg” МЧЖ, “Sofizar” ҚК, “Nur Star Jewelry” МЧЖ, “Asloltin” юридик шахслар бирлашмаси, “Sam Cement” МЧЖ, “Gavhar Jewel Group” МЧЖ, “Global Universal Servis” МЧЖ, “Termiz Gold Production” МЧЖ ҳамда Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналари, “O‘zelektroapparat-Electroshield” АЖ, “Toshelectroapparat” МЧЖ, “Temir Himoya”, “Uzkabel” қўшма корхоналарида ташкил этилган тадбирларда у ерларда яратилган шарт-шароитлар, ишлаб чиқариш қувватлари ва экспорт имкониятлари билан та-нишилди. Қайд этиш жоизки, очик мулоқотларда ечим изланаётган баъзи масалаларни қонунчилик доирасида ҳал этиш юзасидан тегишли хулосалар шакллантирилди.

Ўрганишлар доирасида Тошкент шаҳридаги кичик, ўрта ва йирик бизнес субъектларида молия соҳаси кадрлари билан боғлиқ ҳолат ҳам алоҳида таҳлил қилинди. Шу мақсадда комплекс тадқиқот ўтказилиб, суровномалар ташкил этилди ҳамда корхона раҳбарлари билан бевоcита суҳбатлар ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, бухгалтерия хизмати, молиявий бошқарув ва кадрлар тайёрлаш тизимида қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Энг асосий муаммо малакали молия мутахассисларининг танқислиги ҳисобланади. Хусусан, Тошкент шаҳрида 120 мингдан ор-тиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари сифатли бухгалтерия хизматларидан тўлиқ фойдалана олмаяпти. Корхоналарга бош ҳисобчини топиш учун 3-6 ойгача вақт кетмоқда, молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича билим ва тажрибага эга мутахассислар эса жуда кам.

Мазкур муаммони тизимли ҳал этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига касбий малакалар тизимини такомиллашти-риш ва халқаро сертификатларни тан олишга доир ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси-ни ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди. Агар келгусида ушбу қонун қабул қилинса, молия соҳасида халқаро даражада рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш имконияти кен-гайиши мумкинлиги қайд этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, пойтахтимизда молия-иқтисодиёт йўналишлари бўйича ҳар йили 20–25 минг на-фарга яқин битирувчи олий таълим муассасаларини та-момлаётган бўлса-да, афсуски, уларнинг бор-йўғи 20–30 нафаригина халқаро миқёсда тан олинган молиявий сер-тификатларга эга бўлмоқда. Бу эса соҳа эҳтиёжларига мут-лақо жавоб бერмайди.

Муаммонинг асосий сабабларидан яна бири соҳа ўқитувчиларнинг малакаси етарли даражада эмаслигида. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлиарида фаолият юрита-ётган 200 нафардан ортиқ молия-иқтисодиёт фанлари ўқи-тувчиларининг атиги 10 нафари халқаро сертификатлар-га эга эканлиги бунинг исботидир.

Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида

учун солиқ органлари ҳодимларининг билими етарли эмас. Маълум бўлишича, солиқ инспекторларининг 1 фоиздан кам қисмигина корхоналари халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида таҳлил қилиш ва назорат қилиш ма-лакасига эга экан. Бу эса ислохотларнинг тўлиқ самара бе-ришини қийинлаштирмоқда.

Шу боис О‘ZLiDeP ишчи гуруҳи томонидан солиқ ва бошқа давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларида **молиявий-иқтисодий билим талаб этиладиган лаво-зимларга кадрларни танлов асосида саралаб олишда халқаро сертификатларни устувор мезон сифатида жо-рий этиш** таклифи ўртага ташланди. Бу борада тегишли қо-нунчилик ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш зарурли-ги таъкидланди. Ўрганишлар давомида кўтарилган бу каби муаммоларни тизимли ва комплекс ҳал этиш мақсадида келгусида молия-иқтисодиёт соҳаси мутахассисларининг касбий малакалари миллий тизимини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларга оид ҳукумат қарорини қа-бул қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги билдирилди.

Пировардида ушбу чоралар ортидан қутилаёт-ган натижалар салмоқли бўлиши таъкидланди. Маса-лан, **2030 йлга қадар мамлакатимизда 10 минг нафар халқаро даражадаги молия мутахассислари тайёр-ланиши, кичик бизнес иқтисодиёти йилга тахминан 500 млрд сўмга ўсиши, қўшимча 2–3 млрд доллар миқ-дорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш имконияти яратилиши кўзда тутилмоқда.** Шу билан бирга, молиявий аутсорсинг соҳаси 5 баробарга ўсиб, 15 мингга янги иш ўрни яратилди, ўзбек мутахассислари-нинг малакаси халқаро миқёсда кенг тан олинади.

Хунармандлар марказида уста-хунармандлар ишти-ро-кида ўтказилган мулоқотларда янада жиддийроқ таклиф ва ташаббуслар кўтарилгани эътиборга лойиқ. Маълумки, Президентимизнинг 2025 йил 26 июлдаги “Заргарлик буюм-ларини ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар “Ўзбек-заргарсаноати” уюшмаси аъзоси бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқаришда фойдаланадиган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари учун мол-мулк со-лиғи ҳамда ер солиғидан озод этилди. Бироқ “Хунарманд” уюшмаси аъзолари бўлган, хунармандчилик махсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун бундай имтиёзлар ҳалига-ча мавжуд эмас. Ҳолбуки, хунармандчилик фаолиятининг даромадлилик даражаси пастлиги, улар фаолият юритаёт-ган биноларнинг асосан тарихий ва туристик ҳудудларда жойлашгани, шу орқали туризм ривожига салмоқли ҳисса қўшаётганини инобатга олсак, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ўта муҳим.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, **2022–2024 йиллар давомида фаолиятнинг кам даромадлилиги сабабли 54 минг нафар хунарманд ўз меҳнат фаолиятини бош-қа соҳаларга ўзгартиришга мажбур бўлган. Бу эса бо-ра-бора миллий хунармандчиликнинг айрим турлари йўқолиб кетиш хавфини туғдирмоқда.**

Шундан келиб чиққан ҳолда, “Хунарманд” уюшмаси аъзоси бўлган якка тартибдаги тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришда фойдаланадиган **кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини мол-мулк ҳамда ер солиғидан тўлиқ озод этиш ёки камида 50 фоизлик солиқ чегирмаси жо-рий этиш** мақсадга мувофиқлиги таклиф этилди.

Шунингдек, Президентнинг 2017 йил 17 ноябрдаги

келгусида ҳам хунармандларни қўллаб-қувватлаш мақса-дида банкларда қолдирилди. Лекин амалиётда 2024 йил-да ушбу маблағлар ҳисобидан бор-йўғи **1 230 та лойиҳага 34,3 млрд сўм** ажратилиб, атиги **1 450 та иш ўрни** яратил-ган, холоc.

Муҳокамаларда қайтарилган маблағлар ҳисобидан “Хунарманд” уюшмаси аъзолари учун янги, мақсадли кре-дит махсулотини ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Бунда Марказий банк тижорат банклари билан ҳамкор-ликда уста-хунармандларга қайта молиялаштириш ставка-сида, 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга, шунингдек, айланма маблағларни тўндириш учун 36 ойгача имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини жорий этиши мақ-садга мувофиқлиги урғуланди.

Ёки яна бир мисол: Президентнинг 2023 йил 12 июнда-ги “Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш ва хунарманд-чилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шаро-итлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувват-лаш жамғармаси ҳисобидан илк бор хунармандчилик фео-лиятини бошлаётган фуқароларнинг уюшма аъзолик бадал-лари қоплаб берилган эди. Аммо давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда



уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Базир-лар Маҳкамасининг 2025 йил 3 мартдаги “Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига му-вофиқ мазкур жамғарма фаолияти тугатилди. Натижада хунармандчилик йўналиши бўйича аъзолик бадалларини қоплашга қаратилган субсидиялар ажратилиши тўлиқ тўх-та қолди. Ўрганишлар давомида тадбиркорлик феолият-ини бошламоқчи бўлган кам таъминланган, ноғиронли-ги бўлган ҳамда ижтимоий дастурларда рўйхатда турган хунармандлар учун Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан бир марталиқ аъзолик бадалли субсидиясини жорий этиш бўйича асосли таклиф ўртага ташланди.

Зеро, хунармандчилик – бу нафақат иқтисодий фа-олият, балки миллий мерос, халқнинг асрлар давомида шаклланган маънавий бойлигидир. Уста-хунармандларни қўллаб-қувватлаш орқали биз нафақат янги иш ўринла-ри яратамиз, балки туризмин ривожлантирамиз, миллий кадриятларимизни асраб-авайлаймиз. Шу боис мазкур таклифларни ҳаётга татбиқ этиш замон талаби ҳам экани-ни ёддан чиқармаслигимиз лозим.

“O‘zelektroapparat-Electroshield” АЖ, “Toshelectro-
apparat” МЧЖ, “Temir Himoya” ва “Uzkabel” қўшма кор-
хоналарида ўтказилган учрашувларда давлат харидлари
билан боғлиқ айрим муаммоларга оид қатор таклифлар
кўтарилди.

Масалан “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасида кўрсатилишича, агар давлат харидларида хорижий етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчи иштирок этса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар ва преференциялар қўл-ланилиши мумкин. Аммо амалиётда инвестиция лойиҳала-ри доирасида қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган объектлар учун талаблар юқори бўлгани учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қўпичча уларни тўлиқ бажара олмай-ди. Бу талаблар махсулот ва хизматларнинг хавфсизлиги, энергия самарадорлиги, экологик тозаллиги ва бошқа тех-ник стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида қўйилади. Натижада, кўп ҳолларда хорижий етказиб бе-рувчилар билан тендерларда битта ёки камдан-кам ҳол-ларда иккита маҳаллий ишлаб чиқарувчи иштирок этади. Бу эса қонунда кўрсатилган миқдорий талаблар сабабли маҳаллий корхоналарга преференциялар қўллаш имкони-ятини чеклайди.

Масалан, 2021–2022 йилларда маҳаллий корхона-ларнинг хорижий етказиб берувчилар иштирокидаги тен-дерларда иштирок этиши давомида, улар малакавий та-лабларга тўлиқ мос келиши ва техник шартларга мувофиқ махсулот тайёрлашига қарамасдан, 86 миллион АҚШ дол-лардан ортиқ лойиҳалар учун 2,3 фоиздан 14,05 фоизгача бўлган преференциялар қўлланилмади ва буюртмалар хо-рижий етказиб берувчиларга берилди.

Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро тажриба ҳам шуни кўрсата-дики, қўллаб-даватларда бундай преференциялар қонун-чилик даражасида белгиланган: Хитойда – 20 %, Россия Федерациясида – 15 %, Қирғизистонда – 20 %, Тожикис-тонда – товарлар учун 20 %, хизматлар учун 10 %, Озар-бойжонда эса имтиёзли тузатишлар қўлланилади.

Шунингдек, Президентнинг 2022 йил 6 майда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқару-чиларга битта корхона ҳам иштирок этса преференциялар қўллаш таклифини қўллаб-қувватлади. Ушбу қарор тегиш-ли баённома билан расмийлаштирилди ва Ўзбекистон

Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлигига бир ой ичида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш то-пирилди. Афсуски, ҳозирга қадар мазкур топириқ амал-га оширилмади ва бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун тендерларда имкониятларни чеклаб келмоқда.

Мулоқотларда ушбу муаммонинг ечими сифатида, **давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, маҳал-лий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва уларнинг хорижий етказиб берувчилар билан рақобатбардош-лигини таъминлаш зарурлиги таъкидланмоқда.** Шу мақ-садда, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 16-мод-дасига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиб, давлат харидларида хорижий етказиб берувчилар билан бир вақтда маҳаллий ишлаб чиқарувчи ҳам иштирок этган тақдирда уларга преференциялар ва имтиёзлар қўллани-лишини расмийлаштириш таклиф қилинмоқда.

Бундай ўзгаришлар амалга оширилса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар давлат харидларида янада фаол иштирок этиши, юқори технологияли махсулотлар ишлаб чиқариши ва мамлакат иқтисодиётининг ривожига ҳисса қўиши мумкин. Бу эса нафақат корхоналар, балки бутун мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунингдек, тадбиркорлар билан мулоқотларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва тенг рақобат муҳитини таъминлаш масаласи яна бир бор кўтарилди. Жумладан, Солиқ кодексининг 483-моддаси-га кўра, бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда давлат корхоналари ва устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томони-дан амалга оширилаётган инфратузилма лойиҳалари до-ирасида сотиб олиннадиган товар ва хизматлар 2028 йил 1 январга қадар ҚҚСдан озод қилинган. Бу имтиёз, албат-та, лойиҳаларни молиялаштиришни енгиллаштириш ва ха-ражатларни қисқартиришга қаратилган энг муҳим восита сифатида кўрилади.

Бироқ амалда эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар учун тенг рақобат муҳити яратилма-ган. Халқаро молия институтлари иштирокидаги ва давлат ташқи қарзи ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларда маҳаллий корхоналардан келаётган товар ва хизматлар айланмаси ҚҚСдан озод қилинмайди. Аммо хорижий етка-зиб берувчилар бундай имтиёзга эга ҳисобланади. Бу эса маҳаллий махсулотларга нисбатан рақобатсиз муҳитни келтириб чиқариб, лойиҳаларда уларнинг қўлланилишига тўсиқ бўлаётганини кузатишмоқда.

Шу билан бирга, республикада маҳаллийлаштирил-ган қўллаб товар ва хизматлар мавжуд бўлишига қара-май, улар лойиҳаларда кенг қўлланилмайди. Амалдаги қо-нунчиликда белгиланган имтиёзлардан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фойдаланиши учун яратилган механизмда айрим камчиликлар борлиги сабабли, маҳаллий махсу-лотлардан самарали фойдаланиш имконияти чекланиб қолмоқда. Бундай номутаносибликни бартараф этишнинг энг самарали йўли ҚҚСдан озод қилиш шаклидаги имти-ёздан воз кечиб, унинг ўрнига “**ноль ставкада ҚҚС**ни амалга оширишдир. Шу йўл билан лойиҳа иштирокчилари томонидан реализация қилинадиган товар ва хизматлар айланмаларига ноллик ҚҚС ставкаси қўлланилади, шу билан бирга, бюджетга зарар етказилмайди. Бунда имти-ёзлар лойиҳа ташаббускори, лойиҳа гуруҳи, ижро агент-лиги, бош пудратчи ва уларга хизмат кўрсатувчи субпуд-ратчилар ҳамда товар ва махсулот етказиб берувчилар учун бирдек тадбиқ этилади.

Хулоса шуки, халқаро молия институтлари иштироки-да ва давлат ташқи қарзи ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий етказиб берувчилар билан тенг ва рақобатбардош шаро-итини таъминлаш мақсадида **Солиқ кодексига тегишли ўз-гаришлар киритилиши** зарур. Бу, нафақат, маҳаллий корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш имкони-ни яратди, балки республика иқтисодиётининг барқарор ўсиши-га ҳам хизмат қилади.

Муҳтасар айтганда, олиб борилган ўрганишлар тад-биркорлик, хунармандчилик, саноат ва молия соҳаларида тизимли муаммолар мавжудлигини, уларни ҳал этиш эса қонунчилик ва институционал ислохотларни талаб қилаёт-ганини яққол кўрсатди. Илгари сурилган таклифлар тад-биркорлар учун тенг рақобат муҳитини яратиш, солиқ ва молия механизмларини такомиллаштириш, малакали кадр-лар тайёрлаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар-нинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг барқарор ўсиши-ни таъминлаб, инвестициявий жозибадорликни кучайтира-ди ва миллий манфаатларга хизмат қилади.

О‘zLiDeP ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган материаллар асосида “XXI asr” мухбири Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.



Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидаги ўтиш бўйича қўшим-ча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгиланган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан дарс бе-рувчи ўқитувчиларни **мажбурй сертификатлаш тала-бларини барча молия-иқтисодиёт соҳаси фанларига татбиқ этиш таклифи** илгари сурилмоқда. Бу қадам олий таълимда халқаро стандартларга мос, рақобатбардош му-тахассислар тайёрлаш имкониятини яратди.

Яна бир муҳим масала молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтаётган корхоналарни назорат қилишда давлат органлари мутахассисларининг касбий тайёргар-лиги билан боғлиқ. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 15 сентябрдаги “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига босқичма-босқич ўтаётган корхоналар фаолиятини самарали назорат қилиш

“Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунарманд-ларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2019 йил 28 ноябрдаги “Ху-нармандчиликни янада ривожлантириш ва хунарманд-ларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, 2018–2020 йилларда Тикла-ниш ва тараққиёт жамғармасидан жами 100 миллион АҚШ долларни миқдоридида кредит маблағлари 4 фоизли став-када тижорат банкларига йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 31,3 мингта хунармандчилик лойиҳаси амалга оширилиб, 120 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Юртбошимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Хунарманд-чилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига му-вофиқ, ушбу имтиёзли кредитларнинг қайтарилган қисми яна хунармандчилик лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган эди. Натижада давлатга қай-тарилиши лозим бўлган 100 миллион доллар маблағлар

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ МИНТАҚА УЧУН ҲАМ МАНФААТЛИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Мамлакатимизда сув ресурсларини тежаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат миллий, балки минтақавий барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ирригация тизимларини модернизация қилиш, тежамкор технологияларни жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас.

Энди қуйидаги ҳужжатларга эътибор қаратайлик: Ўзбекистон Республикасида сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси қабул қилинди, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича улкан мақсадлар белгиланди. Президентимизнинг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан деҳқон ва фермер хўжаликларининг ер майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида манбанинг сувлилик даражасидан келиб чиқиб, Халқ депутатлари туман кенгашларида сув олиш лимитларини тасдиқлаш бўйича янги механизм йўлга қўйилди. 2025 йил 30 июлда Сув кодекси қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 13 октябрдаги “Сув соҳасини рақамлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш ва барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 14 октябрдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳанинг хусусий сектор учун жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, эндиликда, янги ёндашув асосида сув ҳисобини юритиш тўлиқ электрон шаклга ўтказилади.

“Suv hisobi” ахборот платформаси орқали фойдаланилган сув миқдори аниқ ҳисобланади ва истеъмолчиларга электрон тарзда маълум қилинади. Бу тизим ҳисоб-китобларда инсон омилини камайтиради, ортиқча қозғозликни бартараф этади ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида “Рақамли қишлоқ хўжалиги” платформаси билан интеграция йўлга қўйилади. Шу орқали суғориладиган ерлар, экин турлари ва сув лимитлари ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда янгиланиб боради. Соҳадаги барча маълумотларни бир тизимда жамлаш учун Сув хўжалиги вазирлигида Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази ташкил этилади. Марказ сув баланси, насос станциялари ва сув сарфи бўйича маълумотларни таҳлил қилади, қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконини яратди.

“Давлат сув кадастри” ахборот тизими яратилади. У орқали сув ресурсларига оид маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралардан йиғилади ҳамда ягона базада шакллантирилади. Бу, ўз навбатида, маълумот алмашиш жараёнини соддалаштириб, ҳисоботларни қозғозда юритиш амалиётини қисқартиради. Тизимни шу йилнинг апрелига қадар тўлиқ иш-

лойиҳаси доирасида ҳар бир туманда биттадан “ўқув дала-шийпон” ташкил этилиб, жами 141 та туманда 3,5 минг гектар майдон қамраб олинади.

Бундан ташқари, Солиқ кодексига сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида

агротехнология фермерлар томонидан энг самарали инновациялардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Учинчидан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш ускуналарига субсидиялар берилди. Сув тежайдиган ускуналар кийматининг 30-40 фоизи ва сарфланган электр энергияси тўловлари 100 фоиз давлат томонидан қоплаб бе-

ўзгариши муаммолари, жумладан, Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари ҳақон ҳамжамятининг доимий диққат марказида бўлиши лозимлиги, сув ресурсларининг тақчиллиги, дунё аҳолисининг икки миллиарддан ортиғи тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслиги таъкидланди. Мамлакатимизда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш режалаштирилгани, Сув инқирозини барқарор тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида белгилаш, глобал даражада инновацион технологияларини жорий этиш учун алоҳида йўл харитаси қабул қилиниши каби муҳим тақлифлар билдирилди. Бу та-шаббуслар Ўзбекистоннинг минтақада сувни тежаш, сувдан самарали фойдаланиш учун глобал ҳамкорликка тайёргилини яна бир бор намоян этди.

Айтиш жоизки, Марказий Осиёда ҳам Ўзбекистон тажрибасини кенг жорий этилиши ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Бу тажриба Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон учун ҳам ғоят долзарб ечим бўлиши мумкин. Зеро, бутун минтақа Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги сув танқислиги билан боғлиқ умумий хавфни ҳис қилаётгани ҳам ҳақиқат.

Шу боис минтақа учун қуйидаги муҳим ва-зифаларни амалга ошириш зарурати бор деб ҳисоблаймиз:

Худудлараро сув-инновация марказини ташкил этиш – минтақавий платформа орқали давлатлар тажриба, технология ва инвестицияларни ўзаро алмашиши мумкин. Бу сув хавфсизлиги бўйича умумий йўл харитасини шакллантиради;

Қўшма пилот лойиҳаларини амалга ошириш – чегараолди худудларда томчилатиб суғориш, жадвалли тақсимлаш, рақамли назорат каби лойиҳаларни биргаликда синовдан ўтказиш энг самарали йўл;

Халқаро молия институтларини жалб этиш – Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банки бу соҳадаги минтақавий дастурларга аллақачон қизиқиш билдирган, Ўзбекистон модели улар учун амалий асос ва муваффақиятли намуна сифатида хизмат қилади;

Сув дипломатиясини кучайтириш – сув ресурслари трансчегаравий хусусиятга эга, сув тежовчи технологияларни оммалаштириш орқали минтақа ўртасида ўзаро ишонч ва барқарор ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Таъкидлаш жоизки, сув танқислиги кучайиб бораётган шароитда замонавий суғориш технологияларига ўтишда мамлакатимиз қўшни Марказий Осиё давлатларига ҳам намуна бўлмоқда. Ютуқлар катта, шу билан бирга, келгусида янада кенг ислохотлар олиб борилади. Энг муҳими, бу жараён нафақат миллий, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамиятга эга. Зеро, сувни тежаш – келажақ авлодлар хавфсизлигини таъминлаш демакдир.

Зафар МУСТАФОҚУЛОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши
раиси ўринбосари



га тушириш режалаштирилган.

Сув хўжалиги насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш амалиёти кенгайтирилади. 2026 йилда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларнинг 50 фоизи, 2027 йилга бориб эса Наманган вилоятидаги барча насос станцияларини хусусий шерикликка бериш режалаштирилди. Бу борада Наманган вилоятининг Чортоқ туманида “бир насос – бир тизим” тамойили асосида Чортоқ тажрибаси амалга оширилади. Бунда хусусий шерик истеъмолчиларни сув лимити доирасида сув билан таъминлайди, насосларга боғланган майдонлардан ҳисобланган сув солиғининг 40 фоизи хусусий шерикка тўлаб берилади. Ушбу маблағлар ҳисобига сув ҳисобини автоматлаштириш ва насос станцияларини босқичма-босқич модернизация қилиш йўлга қўйилади. Тажрибанинг мазмун-моҳияти ва афзалликларини деҳқон ва фермерларга етказиш мақсадида “Сувчилар мактаби”

аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,5 ка-майитрувчи (агар улар жорий қилинмаган бўл-са 1,1 оширувчи) коэффициент қўлланилиши белгиланди. Шу боис фермерларимиз сув тежовчи технологияларни жорий этишга манфа-атдор бўлган ҳолда бу жараёнда фаол ишти-рок этишмоқда. Ҳозирда республика бўйича 2,8 миллион гектар майдонда жами суғори-ладиган экин майдонларнинг 66 фоизига сув тежовчи технологиялар жорий қилишга эри-шилди.

Биринчидан, томчилатиб суғориш май-донлари кескин кўпайтирилди. Томчилаб суғо-риш тизими жадал суръатлар билан кенгайди. Айрим худудларда пахта, боғдорчилик ва саб-завотчиликда 40-60 фоизгача сув тежалиши-га эришилди. Бу нафақат сувни, балки ўғит ва энергия сарфини ҳам камайтирди.

Иккинчидан, лазерли текислаш техно-логиялари кенг оммалаштирилди. Натижа-да ерларда сувнинг бир хил тарқалиши таъ-минланди, ҳосилдорлик 15-20 фоиз ошди. Бу

рилиши фермерлар манфаатдорлигини янада оширди. Ҳукуматнинг қўшимча кредит ва ли-зинг имтиёзлари эса технологияни оммавий жорий этишга йўл очди.

Тўртинчидан, агросекторда рақамлашти-риш ва сенсор назорати яратилди. Сув истеъ-молини аниқлаш, намлик сенсорлари, дрон орқали мониторинг ва автомат суғориш ти-зимлари қўлланила бошланди. Айрим йирик хўжаликлар 30 фоизгача ишлаб чиқариш ха-ражатларини тежашга эришмоқда.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассам-блеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатлари, яқин ва узоқдаги хорижий дав-латлар, халқаро ташкилотларнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, маъ-садлари, вазифалари, мураккаб бир даврда улар олдида турган, ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим масалаларни белгилаб берди ҳамда уларни ҳал этиш бўйича аниқ тақлифлар бил-дирилди. Хусусан, ўткир тус олаётган иқлим

ЖАРАЁН

РАҚАМлардан СИФАТга ўтиш бошланмоқда

Бугунги Ўзбекистон ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга қадам қўйди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Инсон қадри учун” тамойили давлат сиёсатининг бош мезонига айланиб, барча соҳаларда, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида чуқур мазмун касб этмоқда. Ана шу тамойил асосида Президентимизнинг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги фармонида биноан жорий йилнинг 15 январидан 28 февралгача ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири мамлакатимиз тиббиёт тизимини замонавий демографик воқеликка мослаштиришда муҳим илмий-амалий пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Маълумки, сўнгги ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида аҳолимиз со-ни, ёш таркиби ва ҳудудий жойлаш-вида катта ўзгаришлар юз берди. Бу жараёнлар тиббий хизматларни таш-кил этишда эски ёндашувлардан воз келиб, аниқ маълумотларга асослан-ган янги тизимли қарорларни қабул

қилишни тақозо этмоқда. Аҳолини рўйхатга олиш натижасида олинади-ган ишончли статистик маълумотлар тиббиёт соҳасидаги бошқарув қарор-ларини реал фактларга таянган ҳолда қабул қилиш имконини беради.

Тиббиёт тизими учун энг муҳим йўналишлардан бири – тиббий инфра-

тузилмани оқилона жойлаштиришдир. Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларда аҳоли зичлигининг ноаниқ тақсимла-ниши айрим худудларда тиббий муас-сасаларга ортиқча юклама тушишига, бошқа жойларда эса мавжуд имко-ниятларнинг тўлиқ ишлатилмаслиги-га олиб келмоқда. Аҳолини рўйхатга олиш ҳар бир маҳалла ва туман ке-симиди аҳоли сонини аниқ белгилаб беради. Бу эса янги шифохоналар, оилавий поликлиникалар ва тез тиб-бий ёрдам шохобчаларини аҳоли учун энг қулай ва зарур нукталарда ташкил этишга хизмат қилади. Натижада тиб-бий хизмат фуқароларга янада яқин-лашади ва масофа тўсиги бартараф этилади.

Иккинчи муҳим жиҳат – тиббий хизматларнинг манзиллилиги ва си-фатини оширишдир. Аҳолининг ёш таркиби, жинси ва ижтимоий ҳолати ҳақидаги аниқ маълумотлар ҳар бир

худуд учун зарур бўлган тиббий мута-хассислар захирасини шакллантириш имконини яратади. Масалан, болалар сони кўп бўлган худудларда педиат-рия хизматини кучайтириш, кекса аҳоли устувор бўлган жойларда эса геронтология, кардиология ва бошқа ихтисослашган йўналишларни ривож-лантириш мумкин бўлади. Бу эса тиббиёт ходимлари ўртасида меҳнат ресурсларини тўғри тақсимлаш ва аҳолига сифатли, ихтисослашган ёр-дам кўрсатишга хизмат қилади.

Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш халқимиз учун дори-дармон ва тиббий буюмлар таъминотида ҳам катта ижобий самара беради. Аниқ рақамлар асосида шаклланадиган маълумотлар базаси давлат томони-дан бепул ёки имтиёзли тарзда бери-ладиган дори воситалари ва тиббий хизматлар ҳажминини аниқ ҳисоб-ки-тоб қилиш имконини яратади. Бу до-

ри етишмовчилиги ёки ортиқча захи-ра каби муаммоларнинг олдини олиш билан бирга, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлай-ди. Энг муҳими, бундай хизмат кўрса-тиш тизими ҳар бир беморнинг керак-ли муолажаларни ўз вақтида олишини кафолатлайди.

Аҳолини рўйхатга олиш жараё-ни профилактик тиббиёт ва скрининг дастурларини ҳам янги босқичга олиб чиқади. Аниқ демографик кўрсат-кичларга таянган ҳолда, касалликлар хавфи юқори бўлган гуруҳлар билан тизимли ишлаш имкони туғилади. Бу эса касалликларни эрта аниқлаш, ўлим кўрсаткичларини камайтириш ва аҳолининг соғлом умр кўриш даво-мийлигини узайтиришда энг самарали йўл ҳисобланади.

Ишончимиз комилки, 2026 йилги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхат-га олиш тадбири соғлиқни сақлаш



Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'ZLiDeP фракцияси аъзоси

тизимда рақамлардан сифатга ўтиш даврини бошлаб беради. Бу жараён ҳар бир фуқаронинг сифатли ва замо-навий тиббий хизмат олиш ҳуқуқини амалда таъминлашга, соҳадаги мав-жуд муаммоларни тизимли ҳал этиш-га хизмат қилади. Зеро, аниқ маълу-мот – тўғри қарор, самарали ташхис ва халқ саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шўҳрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган).

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 0145
Адади: 5930
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:40

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛИМІРЗАЕВА